

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЗИЁДУЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЗИЁДУЛЛАЕВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич

Ички ишлар органларининг таянч пунктларини

бошқаришни такомиллаштириш.....3

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич

Совершенствование управления опорными

пунктами органов внутренних дел.....34

Ziyodullaev Muzaffar Ziyodullaevich

Improvement of the management of base stations

of the organs of internal affairs.....65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works69

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЗИЁДУЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЗИЁДУЛЛАЕВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02– Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Yu93 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Исмаилов Исамиддин, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джалилов Шухрат Илхамович, юридик фанлар доктори, профессор Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович, юридик фанлар доктори, профессор Рўзиев Зафар Райимович, юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча мамлакатларида аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш долзарб вазифа бўлиб, ички ишлар (полиция) органларининг куч ва воситаларини бевосита аҳоли пунктларига йўналтириш ва бошқариш, кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш, соҳага илғор тажрибалар ва иш усулларини жорий этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ишончини қозониш ушбу соҳадаги устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш соҳасини бошқаришга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ички ишлар (полиция) органлари олдида турган ушбу муҳим вазифалар ижросини жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш орқали таъминлаш, соҳани бошқаришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, илғор иш усулларини жорий этиш, тизимни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, мазкур йўналишларда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органларига кўмаклашувчи ихтисослашган жамоатчилик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида маҳаллаларда ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2018 йилда умумий жиноятчиликни 36 фоизга камайтиришга эришилди, 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади¹. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»² каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса республикамизда ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятига илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, таянч пунктлари негизида ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк қељажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., – № 6, 70-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон ва «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармонлари, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон, «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан International Criminologists Association (I.C.A.), Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE), Central European Police Academy (MEPA), European Union Agency for Law Enforcement Training (CEPOL), George C. Marshall European center for Security Studies, Deutsche Hochschule der Polizei (Германия), Ecole nationale superieure des officiers de police (Франция), National Research Institute of Police Science (Япония), Ички ишлар вазирлиги Бошқарув академияси, Москва ва Санкт-Петербург университетлари (Россия) ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида олиб борилмоқда.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилган: полициянинг куч ва воситаларини аҳолига яқинлаштириш, бевосита аҳоли

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.theiacp.org, www.learnpipe.com, www.osce.org, www.mepa.net, www.cepol.europa.eu, www.marshallcenter.org, www.dhpol.de, www.ensop.fr, www.npa.go.jp, www.amvd.ru, www.mosumvd.com, www.univermvd.ru, www.akadmvd.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

турар жойларида қўйи таркибий тузилмаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарадорлигини ошириш асослантирилган (George C. Marshall European center); улар фаолиятининг ташкилий-институционал ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш концепциясини яратиш зарурати асослантирилган (Россия Федерацияси ИИВ Бошқарув академияси); полицияни ижтимоий йўналтирилган хизматга айлантириш, аҳолига ижтимоий масалаларини ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш орқали жиноятларнинг олдини олишга эришишнинг афзалликлари илмий асосланган (International Criminologists Association); тизим учун махсус тайёргарликдан ўтган малакали мутахассис ва раҳбар кадрларни тайёрлашнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган (Deutsche Hochschule der Polizei); ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан фойдаланиш, қолаверса ихтисослашган жамоатчилик тузилмаларини ташкил этишнинг зарурати асосланган (National Research Institute of Police Science), полиция фаолиятининг жамоатчилик назорати остида бўлиши лозимлиги илмий асосланган (OSCE).

Жаҳонда аҳоли турар жойларида жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ички ишлар (полиция) органларининг аҳоли турар жойларида жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи тузилмалари фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш; ушбу таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш; уларни малакали мутахассис кадрлар билан ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни яхшилаш; ҳамкорликка кенг жамоатчиликни ва фуқароларни жалб этиш, бу борада турлича моделларни яратиш, ихтисослашган жамоатчилик тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ички ишлар органлари бошқарувига оид масалалар Ҳ.Р.Алимов, Б.А.Арифджанов, С.Т.Ахмедова, И.Исмаилов, Б.Э.Қосимов, Д.М.Миразов, Ў.Х.Мухамедов, Ж.С.Мухторов, Ҳ.Т.Одилқориев, Ю.С.Пулатов, З.Р.Рўзиев, С.М.Селиманова, У.Т.Таджиханов, А.С.Турсунов, И.А.Хамедов, О.Т.Хусанов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Хусусан, Ҳ.Т.Одилқориев, А.С.Турсунов, О.Т.Хусановлар томонидан ички ишлар органларидаги бошқарувнинг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ҳ.Р.Алимов, И.Исмаилов, Ў.Х.Мухамедов, С.М.Селимановлар томонидан мазкур бошқарувнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган бўлса, С.Т.Ахмедова томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибini сақлашни ташкил этиш масалалари, Б.А.Арифджанов томонидан профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, Ж.С.Мухторов томонидан ички ишлар органлари профилактика хизматлари томонидан

жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш масалалари, З.Р.Рўзиев томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ишлар органлари билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ички ишлар органлари, жумладан илгари мавжуд бўлган ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари ва участка пунктларини бошқариш, профилактика (участка) инспекторларининг фаолиятини ташкил этишга оид илмий изланишлар собиқ Иттифоқ даври ва ундан кейинги даврларда В.А.Афанасьев, В.Р.Волков, В.Н.Воробьев, А.В.Губанов, М.И.Еропкин, С.М.Забелов, Ф.Е.Колонтаевский, В.Н.Макарчук, Г.А.Туманов, В.С.Четвериков, А.Д.Ҳейл каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган бўлса, замонавий илм-фанда ушбу масалалар М.М.Алисин, П.Н.Астапенко, Д.Бэйли, А.Н.Герасименко, А.И.Горшенева, В.А.Джемелинский, Н.Л.Гранат, А.В.Жаглин, Н.Н.Жильский, А.Г.Ермаков, Е.В.Киричёк, Б.Ю.Кондрашов, В.И.Майоров, Д.К.Нечевин, Н.Д.Нечевина, К.Нишимура, В.Н.Прокопенко, С.Н.Шишкарёв каби олимлар томонидан тадқиқ этилган¹.

Юқорида баён этилганлар ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2013–2016).

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини, уларни бошқаришнинг моҳияти ва бугунги ҳолатини тадқиқ этиш, назарий ва амалий жиҳатларини очиқ бериш;

ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг таянч пунктлари фаолиятини ва уларни бошқаришни такомиллаштиришга кўрсатаётган таъсири ва натижаларини ўрганиш;

таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий-процессуал, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолияти йўналишларини ташкил этишни комплекс тадқиқ этиш;

таянч пунктларини бошқаришда улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлашнинг тутган ўрни ва аҳамиятини, бугунги аҳволини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

¹Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

таянч пунктлари негизида профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари ҳамда жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

хорижий давлатларнинг аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи тизимларининг илғор тажрибасини ўрганиш;

таянч пунктлари фаолиятидаги ва уларни бошқариш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга, таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилувчи илмий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришга доир муаммолар, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, илғор хорижий тажриба, илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида миллий қонунчилик нормаларини ва уларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, шарҳлаш, хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, мутахассислар (туман, шаҳар ички ишлар органлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, профилактика инспекторлари) ўртасида анкета сўровлари ўтказиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, кузатиш, комплекс ёндашув, абстраклаштириш, дедукция, индукция, синтез методлари ва тадқиқот олиб боришнинг бошқа усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функцияларини қонун ҳужжатларида ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб бериш зарурати асослантирилган;

ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқариш уларнинг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техникавий, кадрлар билан таъминлаш ҳамда негизида ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат ички изчиллик ва узвий алоқадорликдаги мураккаб жараён эканлиги илмий асослантирилган;

туман, шаҳар даражасида ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва ташкил этишнинг ягона ташкилий тизимини қарор топтириш, уни комплекс ҳуқуқий таъминлаш имконини берувчи бошқарув қарори билан тартибга солиш зарурлиги асослантирилган;

таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда, тизимли ва дифференциал ёндашиш, унга илғор иш усуллари ва

моделларини жорий этиш ҳамда жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлигига таяниш зарурлиги илмий асослантирилган;

соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш таянч пунктлари фаолиятини самарали ташкил этишга таъсир кўрсатувчи муҳим мезон эканлиги ҳамда ушбу лавозимлар учун захирани яратишда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси имкониятларидан фойдаланиш зарурати асослантирилган;

жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш – мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳамда ушбу соҳани қонун билан тартибга солиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида мавжуд муаммоларни, уларни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилади;

таянч пунктларини бошқариш, улар негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш амалиётини ривожлантиришга методологик асос бўлиб хизмат қилади;

таянч пунктларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу соҳада мавжуд бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади;

ички ишлар органлари таянч пунктларини тизимли бошқариш ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилаш, ушбу соҳада илғор тажрибаларни жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари соҳага доир қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти, илғор хорижий тажрибалар, ички ишлар органларининг бошқарув назариясида умумэътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар асосида исботланган.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолияти ва уларни бошқаришнинг бугунги аҳволини ўрганиш бўйича мутахассисларнинг фикрини ўрганиш учун ўтказилган анкета сўровларининг умумлаштирилган жавоблари ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига таянган ҳолда хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Улар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида эришилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий-тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлигида, соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва шарҳлашда, ички ишлар органларининг бошқарув назариясига оид билимларни, таянч пунктларини бошқаришга доир муаммоларни тадқиқ этишга оид илмий-методологик қарашлар ва ёндашувларни янада бойитишда фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг илмий хулосалари «Ички ишлар органларида бошқарув асослари», «Ички

ишлар органларининг маъмурий фаолияти», «Ички ишлар органларида бошқарув назарияси», «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш», «Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш» каби фанларнинг илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ва бошқарилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, уларни амалиётга жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга ҳамда таянч пунктларини бошқариш тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини қонун билан мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонунининг 15-моддаси (Ички ишлар органларининг таянч пунктлари)ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 16 январдаги 06-2/06-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органлари таянч пунктлари тушунчаси, таркиби ва моҳиятини қонун билан белгилаб беришга хизмат қилган;

таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик ва моддий-техникавий таъминлашни такомиллаштириш ҳамда негизида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали уларни бошқариш самарадорлигини оширишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон Қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги Низомнинг 2, 5 ва 6-бобларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 17 октябрдаги 26/-2864-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар таянч пунктлари фаолиятининг ташкилий ва моддий-техник таъминоти, профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлигини ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ва уларнинг негизида ҳамкорликни тизимли ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар органлари таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этишга доир буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 24 февралдаги 26/608-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ва негизидаги ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб бериш ҳамда бу борадаги амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилган;

таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳудуднинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, тизимли ва дифференциал ёндашиш асосида ташкил этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 3, 10-моддалари, III, IV, V ва VI бобларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 22 февралдаги 06-15/8-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини аниқ белгилаш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қонун билан ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган;

профилактика инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришни сайёр тарзда ташкил этиш, уларнинг захирасини яратишда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари имкониятларидан фойдаланишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон Қарорининг 2, 3, 5 ва 7-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 12 январдаги 38/1-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар профилактика инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси фаолиятини ташкил этиш ва таянч пунктлари негизида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлашда имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 9 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2014 йил 20 мартдаги 47-сон ва 2015 йил 6 апрелдаги 39-сон фармойишлари асосида республиканинг барча ҳудудларида профилактика инспекторлари билан ўтказилган сайёр ўқув машғулотларида ўқилган маърузаларда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 9 январдаги 08/1-977-сон кўрсатмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 25 февралдаги ҚҚ-150-3-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 3 январдаги 1-сон фармойиши асосида ички ишлар органларининг халқ билан мулоқот қилиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш жараёнида тадқиқотнинг илмий хулоса, таклиф ва тавсиялари синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 44 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белги ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «**Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг назарий таҳлили ва асосий йўналишлари**» деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақоми, таркиби, бугунги ҳолати, фаолиятининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда таянч пунктларининг фаолияти йўлга қўйилган дастлабки даврларда унинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда, табиийки, турли ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «милиция таянч пункти» тушунчасига ҳар хил таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари учради. Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонунида ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Диссертацияда соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ва илмий-назарий манбаларни таҳлил қилган ҳолда «ички ишлар органларининг таянч пунктлари» тушунчасининг муаллифлик илмий таърифи ишлаб чиқилган.

Мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бугунги шароити талабларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари таянч пунктларига юклатилган вазифалар ва уларни амалга ошириш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг асосий принциплари ва функциялари ишлаб чиқилган ҳамда уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аниқ белгилаб қўйиш зарурати асослаб берилган.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари ишини ташкил этишда иштирок этувчи ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмаларини ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва бугунги кун амалиёти таҳлилидан келиб чиққан ҳолда улар икки гуруҳга: а) таянч пунктлари негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи; б) таянч пунктлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи кучларга ажратилган.

Профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, унинг ёрдамчиси ҳамда таянч пунктлари негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи

ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлими ҳудудий тезкор вакили, ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳудудий инспектори, шаҳарларда патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати нарядлари, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида) – таянч пунктлари субъектлари сифатида эътироф этилган.

Диссертацияда таянч пунктлари субъектларининг ҳуқуқий мақоми ўрганилиб, фаолиятидаги муаммолар аниқланиб, таҳлил қилинган. Хусусан, профилактика инспекторларини хизмат вазифалари ва ҳудуди билан боғлиқ бўлмаган ишларга ва вазифаларга жалб этиш қатъиян тақиқланган бўлишига қарамай, айрим туман, шаҳар ички ишлар органларида ушбу талаб ижроси етарли таъминланмаган. Бу эса профилактика инспекторларининг ўз зиммасидаги асосий вазифаларни самарали амалга оширишларига тўсқинлик қилмоқда. Таянч пунктлари фаолиятига раҳбарлик қилувчи ички ишлар органларининг бошлиқлар таркиби билан ўтказилган анкета сўровида уларнинг 72,4 фоизи бунни тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда таянч пунктларининг қуйидаги афзалликлари аниқланган: *биринчидан*, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини сифатида мавжуд куч ва воситаларни бевосита маҳаллаларга йўналтириш, маъмурий ҳудудларда аҳолини қийнаётган муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳамкорликда ҳал этиш имконини беради; *иккинчидан*, жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштиришга замин яратади, қолаверса, ҳудудда ички ишлар органларининг кенг қўламли фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини кенгайтиради; *учинчидан*, ички ишлар органларининг битта ҳудудга хизмат кўрсатувчи соҳавий хизматлари ходимларининг ўз ишини маҳаллада, бевосита профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда бошлашига эришилади; *тўртинчидан*, таянч пункти субъектлари ўз фаолиятида аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали ички ишлар органларига бўлган ишонч ва ҳурматнинг ошишига хизмат қилади; *бешинчидан*, инфратузилмасида спорт майдончалари, факультатив тўгараклар ва кичик бизнес шохобчалари фаолиятининг йўлга қўйилгани маъмурий ҳудудларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Диссертацияда таянч пунктлари ва ундаги субъектларнинг асосий вазифалари, уларни белгиловчи ва амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида таянч пунктлари фаолиятини қуйидаги олти гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган:

одатий ва алоҳида шароитларда, жумладан оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, оммавий тартибсизликлар ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлиги, жамият ва давлат манфаатларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти*;

ҳуқуқбузарликларни, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти*;

маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, қайд этиш ва улар бўйича тегишли ҳужжатларни тўплаш, ҳуқуқбузарни таянч пункти ва ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига маъмурий тартибда олиб бориш ва ушлаб туриш, ваколатлари доирасидаги маъмурий ишлар юзасидан юрисдикциявий қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорларни ижро этиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий ва процессуал ҳаракатлардан иборат *маъмурий-процессуал фаолияти*;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва очиш, содир этишга тайёргарлик кўриладиган жиноятлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш, қидирувдаги ва бедарак йўқолганларни топиш, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини бевосита амалга ошириш ва ушбу жараёнда иштирок этиш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат *тезкор-қидирув фаолияти*;

жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, ҳодиса содир бўлган жойда тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунига қадар иш учун аҳамиятга эга бўлган жиноят ва бошқа ҳолатларнинг изларини аниқлаш, уларни қўриқлаб туриш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказилишида кўмаклашиш, терговга қадар иш юритишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *жиноят-процессуал фаолият*;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган: муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазolari ва шартли ҳукмнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат *жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолияти*.

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг мазкур йўналишлардаги фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг бугунги аҳволини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида амалиётда учраётган муаммолар тадқиқ этилган ҳамда уларнинг салбий оқибатлари асослаб берилган:

кўчалар ва жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда жиноят ва ҳодисаларни содир этилган жойи ва вақти бўйича таҳлил қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилмагани сабабли, ички ишлар органларининг мавжуд куч ва воситаларини жалб этиш ва жойлаштириш юзасидан йиллик режа ва кунлик қарорлар шаблон тарзида ишлаб чиқилмоқда, патруль-пост хизмати нарядларини асосан бозорлар, марказий хиёбонлар ва транспорт (авто, темир йўл ва метро) бекатларига

жалб этиш билан чекланиб, уларни туманнинг кўп жиноят содир этилаётган худудлари ва йўналишларига бириктириш эътибордан четда қолмоқда;

профилактика инспекторлари томонидан ваколати доирасида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилмай қолмоқда. Чунончи, республикада 2012–2017 йилларда профилактика инспекторларининг ваколати доирасига кирувчи моддалар бўйича жами 3 млн.дан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлишига қарамай, ушбу йиллар давомида уларнинг 0,8 фоизи бўйича МЖТКнинг 313-моддасига асосан тегишли субъектларга тақдимномалар киритилган, холос;

қонун ҳужжатларида жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишган шахснинг ўз яшаш манзилига етиб боришини таъминлаш ёки бошқа манзилга кетганида уни ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олишга хизмат қилувчи нормаларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, айрим тоифадаги илгари судланганлар билан тегишли профилактик ишлар амалга оширилмай қолмоқда. Бу эса мазкур шахслар томонидан жиноят содир этилишига имкон бермоқда. Хусусан, мамлакатимизда 2013 йилда жиноят содир этишда иштирок этган жами шахсларнинг 10,35 фоизини, 2014 йилда 10,48 фоизини, 2015 йилда 10,82 фоизини, 2016 йилда 11,2 фоизини, 2017 йилда 12,5 фоизини илгари жиноят содир этганлар ташкил этади;

инсон қиёфасини йўқотиш даражасида маст ҳолда бўлганлар, жумладан ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этганларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш, кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, тиббиёт ходимларини уларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш, шунингдек сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка чалинган 60 ёшдан ошган ёки ногирон фуқароларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш масалаларининг тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги амалиётда муайян муаммо ва қийинчиликлар келтириб чиқармоқда;

амалиётда махсус ва тезкор-профилактик чора-тадбирлар режаларининг айримлари ўзининг ҳуқуқий асослари ва аниқ қўлланиш механизмига эга эмаслиги, ички ишлар органлари фаолиятида махсус профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асослари ва тартиби муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб берилмаганлиги ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали амалга ошириш имконини бермаяпти;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасида шахс расмий огоҳлантирилганига қарамай унга риоя этмаслик ва ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик учун ҳуқуқий оқибат белгиланмаганлиги сабабли, амалиётда унинг таъсирчанлиги паст бўлиб қолмоқда, натижада профилактика инспекторлари уни қўллашни эътибордан четда қолдирмоқда;

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг белгиланган моддаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар кўп

ҳолларда профилактика инспекторлари томонидан ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинмасдан, ҳисобда туриш муддати тугаганлари эса ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмасдан қолаётганлиги мазкур тоифадаги шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни самарали олиб бориш имконини бермаяпти;

республикада 2013–2017 йилларда ички ишлар органлари томонидан наркология диспансерларига мажбурий даволанишга юборилган гиёҳвандлар ҳисобда турган ушбу тоифа шахсларнинг 5,6 фоизини, спиртли ичимликка ружу қўйганлар жами ҳисобда турган шундай шахсларнинг 11,5 фоизини ташкил қилмоқда, яъни сўнгги йилларда гиёҳвандларнинг ўртача 94,4 фоизи ва спиртли ичимликка ружу қўйганларнинг 88,5 фоизи ҳар йили турли сабаблар билан мажбурий даволанишга юборилмай қолаётгани мазкур тоифадаги шахсларнинг жамиятда ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига салбий таъсири сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

узоқ муддатга чет элга кетган фуқароларнинг оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиб, тайинланган жазони ўтаб қайтиб келганлари устидан ички ишлар органлари маъмурий назоратини ўрнатиш, шунингдек республикада оғир ва ўта оғир жиноят содир этгани учун жазо ўтаётган шахслар жазонинг маълум бир қисмини ўтаганидан сўнг амнистия актини қўллаш орқали жазодан озод этилган ёки жазо енгилроғига алмаштирилган ёхуд маҳкум шартли озод қилинган ҳолларда улар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назоратини ўрнатиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ушбу тоифадаги шахсларга маъмурий назорат чоратадбирларини қўллаш имконини бермаяпти;

профилактика инспекторлари томонидан 2011–2017 йилларда республикада 5 млн. 700 мингга яқин маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, уларнинг 65,0 фоизига нисбатан бевосита ваколати доирасида маъмурий жазо чоралари кўрилган, 35,0 фоизи бўйича эса баённомалар қонуний чора кўриш учун бошқа ваколатли органларга юборилган. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш натижасида 5 млн. 232 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан тегишли маъмурий чоралар қўлланилган. Қонун ҳужжатларида профилактика инспекторларидан хизмат ҳудудида барча турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва фош этиш талаб қилинса-да, кўриб чиқиш ваколатига кирмайдиган ҳуқуқбузарликлар бўйича уларнинг баённома тузиши маъмурий қонунчиликда аниқ белгиланмаган;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддасида бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиши белгилаб қўйилган бўлса-да, амалдаги қонун ҳужжатларида кўпгина органлар ва мансабдор шахсларнинг бундай қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш ҳуқуқига эгаллиги ёки эга эмаслиги аниқ белгилаб берилмагани, амалиётда ушбу органлар ва мансабдор шахслар юритаётган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни назорат органлари томонидан ноқонуний деб топиш ҳолатларини юзага келтирмоқда;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида бугунги кун ҳуқуқни қўллаш амалиётида судлар томонидан қўлланаётган «огоҳлантириш» чорасининг ҳуқуқий мақоми белгиланмагани сабабли, ушбу чора қўлланилган шахснинг бир йил мобайнида яна шундай ҳуқуқбузарликни содир этганида унинг такроран содир этган ҳаракатларини кодекснинг махсус қисми нормасида назарда тутилган оғирлаштирувчи таркиб сифатида баҳолашда муаммоларни келтириб чиқармоқда;

Жиноят-процессуал кодекснинг 325-моддасига мувофиқ, жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш белгиланган жиноятлар содир бўлганида ишни юритаётган мансабдор шахс бажариши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизими амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида ўз ифодасини топмаганлиги сабабли, амалиётда профилактика инспекторларининг ушбу жараёнда тегишли процессуал ҳужжатларни тўлиқ ва тартибли расмийлаштиришига имкон бермаяпти;

терговга қадар ишни юритишда профилактика инспекторлари томонидан жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолатлар бўйича материалларни суриштирувчи ва терговчига ўтказишда ички ишлар органлари тизимида ягона талаб ва ёндашув йўқлиги боис амалиётда уларнинг белгиланган муддатда ҳал этилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг ушбу бобида П.Ф.Гришаев, Н.Н.Жильский, А.Р.Гегамов, А.А.Куделич, Ф.Е.Колонтоевский, Б.Т.Хамхоев, И.В.Демин ва А.В.Жаглин каби олимларнинг фикрларини илмий таҳлил қилиш асосида «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг муаллифлик таърифи, шунингдек аниқланган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилувчи илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда асослантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқаришни таъминлаш»** деб номланган. Унда ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқаришнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқоти жараёнида К.Киллен, А.Файол, Г.А.Туманов, С.И.Съедин, В.Н.Воробьев, М.И.Еропкин, У.Т.Таджиханов, И.Исмаилов, С.Т.Ахмедова ва бошқа олимларнинг асарларини ўрганиш асосида таянч пунктларини бошқариш функция, шакл ва усулларининг мазмун-моҳияти илмий таҳлил қилинган ҳамда қуйидагича тизимга солинган:

таянч пунктлари фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва тартибга солишни назарда тутувчи *ҳуқуқий таъминлаш*;

таянч пунктига маъмурий ҳудудни бириктириш, фаолиятни ахборот билан таъминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш, таҳлил қилиш, ҳисоб иши, назорат қилиш, баҳолаш, методик жиҳатдан ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи *ташкилий-методик таъминлаш*;

таянч пунктларини замон талаблари даражасидаги бино, транспорт, техника ва алоқа воситалари, дастурий (технология) ва иш жиҳозлари билан таъминлашни назарда тутувчи *моддий-техник таъминот*;

таянч пунктлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришни ўз ичига олган *кадрлар билан таъминлаш*;

таянч пункти негизида профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари ҳамда жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишни назарда тутувчи *ҳамкорликни таъминлаш*.

Ички ишлар органларидаги бошқарувга доир илмий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида «ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқариш», «ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятини ва улар негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш» тушунчаларининг муаллифлик илмий таърифлари ишлаб чиқилган ва асослантирилган.

Диссертацияда туман, шаҳар ички ишлар органлари даражасида таянч пунктлари фаолияти ва улар негизидаги ҳамкорликни бошқариш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёки ички ишлар бошқармаси (бўлими), уларнинг таркибидаги ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари; мувофиқлаштириш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёки ички ишлар бошқармаси (бўлими), уларнинг таркибидаги ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосарлари; ташкил этиш эса туман, шаҳар ички ишлар органлари соҳавий хизматлари бошлиқлари, шаҳар ва қўрғон ички ишлар бўлим (бўлинма)лари томонидан амалга оширилишини таъминлаш бўйича ягона тизимни шакллантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосарларининг таянч пункти фаолияти йўналишлари ҳамда унинг негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун масъуллиги аниқ кўрсатилиб, асослантирилган. Шунингдек, таянч пунктлари фаолиятини самарали ташкил этишда шаҳар, қўрғон ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари)нинг роли ва афзалликлари очиб берилган.

Таянч пунктлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили натижасида қонунлар, *биринчидан*, таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишларини, *иккинчидан*, таянч пунктларининг фаолияти ва улар негизидаги ҳамкорликнинг ташкилий жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунларга ажратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни ҳамда муҳим жиҳатлари очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ гуруҳлаштирилган ҳолда тизимли ва мантиқий изчилликда ўрганилган.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш соҳасида таянч пунктига маъмурий ҳудуд ва субъектларни бириктириш, фаолиятни ахборот билан таъминлаш, режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш, фаолиятни назорат қилиш ва баҳолаш масалалари

илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб, ушбу соҳадаги муаммолар тадқиқ этилган, уларнинг салбий таъсири ва оқибатлари асослантирилган:

профилактика инспектори фаолияти учун ажратилган вақтнинг асосий қисми маъмурий ҳудудда эмас, балки ички ишлар бошқармаси (бўлими) биносида ўтиши ҳозирда ҳам айрим ички ишлар органларида давом этаётгани уларнинг ўз зиммасидаги асосий вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришига тўсқинлик қилмоқда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ички ишлар органлари тизимидаги таянч пунктлари «Ўзбекистон АИТ (ахборот излаш тармоғи)» дастури ва бошқа дастурлар билан етарлича таъминланмаганлиги профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини зарур ахборот билан таъминлашда муаммо ва қийинчиликлар келтириб чиқармоқда;

таянч пунктлари ва улар субъектларининг фаолиятини режалаштиришда реаллик, ворисийлик ва тўлиқлик талабларига етарли амал қилинмаётгани, амалиётда иш режаларини тузишга юзаки ёндашиш, уларни одатда номигагина ишлаб чиқиш, режаларнинг амалдаги ижросини талаб даражасида таъминламаслик ҳолатлари учраётгани уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш имконини бермаяпти;

таянч пунктларининг фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш амалиёти ҳисоботларга боғланиб қолганлиги, ҳар бир ички ишлар органи бошлиғи ўз ҳисоботини имкон қадар яхши кўрсатишга, иш жараёнидаги салбий ҳолатларни яширишга ҳаракат қилиши ишда мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилмаслигига, бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилинишига олиб келмоқда;

таянч пунктларининг фаолиятини назорат қилиш амалиётида туман, шаҳар ички ишлар органи раҳбарларининг кўпинча субъектлар тақдим этган ҳисоботларни текшириш билан машғул бўлиб қолаётгани, таянч пунктларининг кенг қамровли фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш учун хизмат сафарларига юборилаётган ходимлар эса назорат ва текширувни етарлича ўтказмасдан, айрим ҳолларда маълумотномалар тузиш билан чекланаётгани тизимдаги муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга, иш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Диссертация ишида таянч пунктлари фаолиятининг моддий-техник таъминотида таянч пунктлари учун бино ёки ер майдони ажратиш, таянч пунктларини қуриш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш, транспорт воситалари, тезкор-техник ва кўرғазмали воситалар, мебель, жиҳозлар, хизмат ҳужжатлари ва бошқа мол-мулк билан таъминлаш амалиёти ўрганилган, ушбу соҳадаги муаммолар тадқиқ этилган. Жумладан:

таянч пунктларини қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат хоналари билан таъминлашнинг бугунги ҳолатини талаб даражасида, деб бўлмайди. Негаки, республикада мавжуд 4848та таянч пунктининг 47,1 фоизи – уч ва ундан ортиқ хонали, 23,3 фоизи – икки хонали, 29,5 фоизи эса бир хоналидир;

профилактика инспекторларини мобиль тарзда бошқариш, уларнинг фаолиятида инновацион технологиялар ва дастурий таъминотларни кенг қўллаш талаб этилаётган бугунги кунда таянч пунктларининг 27,1 фоизи

телефон, 49,1 фоизи турғун рация ва 37,0 фоизи компьютер билан, 4199 нафар профилактика инспектори қўлда олиб юриш учун мўлжалланган рация билан таъминланмаган. Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровда профилактика инспекторларининг 79,2 фоизи ўзи хизмат қилаётган таянч пунктини моддий-техник жиҳатдан замон талаби даражасида таъминланмаган, деб баҳолади;

амалиётда айрим ички ишлар органларида таянч пунктларининг таъмирланиши ва жиҳозланиши унда хизмат олиб борувчи профилактика инспекторлари зиммасига тушаётгани уларнинг тамагирлик, хизмат ваколатини суиистеъмол қилишга қўл уришига олиб келмоқда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, таянч пунктлари тегишли хизмат китоблари билан таъминланса-да, амалиётда профилактика инспекторлари томонидан уларнинг ва белгиланган йиғмажилдларнинг талаб даражасида юритилмаслиги, уларда маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ янгилаб борилмаслиги уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва баҳолашга имкон бермаяпти.

Таянч пунктлари фаолиятини кадрлар билан таъминлаш амалиётининг таҳлили натижасида уларда фаолият юритувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини таъминлаш соҳасида мавжуд муаммолар ўрганилган:

профилактика инспектори лавозимлари малакали мутахассис кадрлар билан жамланмаганлиги тизим фаолиятини самарали ташкил этишга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан биридир. Сўнгги йилларда профилактика инспекторлари лавозимларининг 37,2 фоизи фуқаролик олий таълим муассасалари битирувчилари, 26,1 фоизи бошқа соҳавий хизматлар ходимлари, 17,0 фоизи сафдор-сержантлар ҳисобидан ҳамда бор-йўғи 10,8 фоизи бевосита ушбу мутахассислик бўйича Академияни тамомлаган кадрлар ҳисобидан жамланган. Ички ишлар органлари тизимида ҳозирда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторларининг 97,4 фоизини олий маълумотлилар ва 2,6 фоизини ўрта махсус маълумотлилар, уларнинг олий маълумотга эга бўлганлари таркибида эса бор-йўғи 15,0 фоизини ҳуқуқшунослар, қолган 54,2 фоизини педагогик ва 30,8 фоизини бошқа олий маълумотли ходимлар ташкил этмоқда;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб профилактика инспектори лавозимига тайинланган ходимларни бевосита ушбу касбга йўналтириш мақсадида, улар бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказилиши белгиланган. Ўтган 2011–2017 йиллар давомида 1 минг 800 нафарга яқин шундай ходимлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси негизида бошланғич касбий тайёргарликдан ўтган. Бироқ, амалиёт таҳлили бундай ходимларнинг барчаси ҳам бошланғич касбий тайёргарликдан ўтмаганлигини кўрсатади;

амалиётда профилактика инспектори лавозимига ички ишлар органлари соҳавий хизматларида интизом бузганлиги, касбга нолойиклиги туфайли лавозимидан бўшатишган ходимларни тайинлаш ҳолатлари учрамоқда;

жойларда таянч пункти субъектларини хизмат фаолиятдан ажратмаган ҳолда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларида ўқитиб бориш, бугунги кунда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ходимларга етказиш, белгилаб берилган вазифаларни уларнинг кундалик қодаларига айлантириш бўйича ишлар тўғри ва тизимли ташкил этилмаган;

профилактика инспекторларини уй-жой, хизмат хоналари ва автомашиналар билан таъминлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратиб берилаётганига қарамай, амалиётда уларнинг барчасида ҳам раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, масъулиятни ҳис қилиш каби касбий хислатлар етарли эмаслиги намоён бўлмоқда. Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровда иштирок этган фуқароларнинг 47,9 фоизи ўзи яшаётган ҳудуддаги профилактика инспекторининг саводхонлик даражасини «ўрта», 9,9 фоизи – «паст», профессионаллик даражасини 56,2 фоизи – «ўрта», 6,3 фоизи – «паст», деб баҳолашган;

профилактика инспектори лавозимларида хизмат қилаётганларнинг 40,0 фоизидан кўпини ёш ва тажрибаси кам ходимлар ташкил этишига қарамай, уларни хизмат фаолиятига, лавозим масъулиятини ҳис қилишга ўргатиш, касб маҳоратини шакллантириш, тизимнинг ўзига хос мураккаб хусусиятларига мослаштириш, уларни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар етарли ташкил этилмаган;

таянч пунктлари субъектлари ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомини бузиш ҳолатлари ҳанузгача давом этмоқда.

Диссертациянинг мазкур бобида юқорида таҳлил қилинган таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлаш соҳаларидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, илмий асослантирилган ҳамда улар тадқиқот ишининг хулоса қисмида баён этилган.

«Ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш» деб номланган учинчи бобда профилактика инспекторининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари ҳамда жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида З.С.Зарипов, И.Исмаилов, В.А.Малютин, Е.В.Киричёк, Н.Д.Нечевина, И.П.Яблоков, А.Д.Полищук ва В.К.Колпаков каби олимларнинг илмий-назарий асарлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилига асосланиб, «ички ишлар органлари таянч пунктлари негизидаги ҳамкорлик» тушунчасининг муаллифлик илмий таърифи ишлаб чиқилган, ушбу ҳамкорликнинг моҳияти, шакл ва усулларининг ўзига хос томонлари назарий жиҳатдан асослантирилган.

Таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликка: биргаликдаги фаолиятнинг субъект, объект ва предмети, умумий мақсад, вазифа ва йўналишлари мавжудлиги; ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам кўрсатиш ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланганлиги; ижобий натижаларга эришиш учун интилиш; ҳамкорликнинг мукамал (оптимал), ҳар икки томон учун мақбул шакл ва усуллари қўлланиши; ахборот таъминоти ва таҳлилга эгаллиги; иштирокчиларнинг ҳамкорликни ташкил этиш учун масъуллиги ва

биргаликдаги фаолиятнинг баҳолаб борилиши каби хусусиятлар хос эканлиги очиб берилган ҳамда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга таъсир қилувчи омиллар асослантирилган.

Диссертацияда ички ҳамкорлик сифатида профилактика инспекторларининг таянч пункти негизида ички ишлар органларининг жиноят-қидирув хизмати, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати, жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари, патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати нарядлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати, тергов хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, пробация бўлинмалари, кўриқлаш хизмати ва эксперт-криминалистика хизмати билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг назарий-амалий жиҳатлари илмий асослантирилган ҳолда ёритилган.

Таянч пункти негизида давлат ҳокимияти органлари ва муассасалари билан ҳамкорликни ташкил этиш масалаларини ўрганишда профилактика инспекторининг суд органлари, прокуратура органлари, давлат хавфсизлик хизмати, миллий гвардия, божхона, солиқ, муҳофаза органлари, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг назарий-амалий жиҳатлари очиб берилган.

Таянч пункти негизида жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш масалаларини ўрганишда профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг назарий-амалий жиҳатлари асослантирилган.

Шунингдек, тадқиқот ишида таянч пунктлари негизида юқоридаги кўрсатилган йўналишларда ҳамкорликни ташкил этиш соҳасида мавжуд муаммолар аниқланди ва тадқиқ этилди. Хусусан:

айрим профилактика инспекторлари ва таянч пунктининг бошқа субъектлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги ўзаро ҳамкорликнинг йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмларини етарли даражада билмайди. Бу эса амалиётда ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш имконини бермайди. Тадқиқот жараёнида мутахассислардан таянч пункти негизидаги ҳамкорлик қай даражада ўрнатилганлиги хусусида фикрлари сўралганида уларнинг 31,9 фоизи ҳамкорлик етарлича ўрнатилмаганлигини, 37,7 фоизи раҳбарлар талаб қилганда ҳамкорлик жонланишини, 14,3 фоизи вақти-вақти билан ҳамкорлик ўз ўрнида бўлиб туришини ва 9,6 фоизи ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томондан ҳам фақат ҳисобот учун амалга оширилишини қайд этишган;

таянч пункти негизида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг талаб даражасида ташкил

этилмаганлиги кўп ҳолларда бунинг учун масъул бўлган профилактика катта инспекторларининг ушбу соҳадаги ўз ваколатларини етарлича амалга оширмаслиги билан боғлиқдир. Буни сўровда қатнашган мутахассисларнинг 56,0 фоизи тасдиқлаган;

профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва уни таъминлаш механизмлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича белгилаб берилмаган;

маҳаллаларда мутахассис-психологлар хизматидан фойдаланиш амалиётининг йўлга қўйилмаганлиги профилактика инспекторлари ва фуқаролар йиғинлари томонидан ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турганлар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида тегишли тоифа шахсларнинг руҳияти ва ички кечинмаларини ўрганиш орқали уларга тегишли профилактик таъсир кўрсатишда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда;

ўтган йиллар давомида маҳалла фуқаролар йиғинларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятида мавжуд бир қатор муаммолар, хусусан уларнинг айримлари касбига нолайиқлиги, паст даражадаги ҳуқуқий билим ва тажрибага эгаллиги, туман, шаҳар ва юқори даражада уларнинг фаолиятини бевосита мувофиқлаштириб турувчи органнинг мавжуд эмаслиги, қолаверса, ушбу муаммоларнинг ўтган йиллар давомида ечими топилмай келингани натижасида мазкур жамоатчилик тузилмаси етарли самара бермади;

профилактика инспекторларининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги натижаларига доир статистик маълумотлар 2001–2017 йиллар давомида йилига ўртача 6270та жиноят маҳалла посбонлари ёрдамида фош этилганини ҳамда жиноятлар очилишида маҳалла посбонларининг иштироки ўтган йиллар давомида 2,5 бараваргача ошганини кўрсатмоқда. Бирок, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Буни 2010 йилдан 2017 йилга қадар бевосита маҳалла посбонлари томонидан очилган жиноятлар 34,0 фоизгача ва улар ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар 43,0 фоизгача камайганида ҳам кўриш мумкин;

айрим жойларда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг ҳақиқий аҳволи, аъзоларининг муаммолари ва манфаатлари ҳокимият органларининг эътиборидан четда қолган, посбонларнинг фаолиятини ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғини, профилактика инспектори ва унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисининг таъсири суст бўлмоқда, фуқароларни жамоатчилик тузилмаларига жалб этишга имкон берувчи, шунингдек ўз бурчига виждонан ёндашиб, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда фаол иштирок этиб келаётган маҳалла посбонларини рағбатлантириб боришнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келган;

айрим туман, шаҳар ички ишлар органлари томонидан профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида шаклланган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда ўзининг амалий фаолиятига жорий этиш эътибордан четда қолган.

Диссертацияда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф ва тавсиялар, хулосалар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқаришни ривожлантириш»** деб номланган ва унда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларнинг илғор хориж тажрибаси, ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқоти доирасида Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония, Россия Федерацияси каби давлатларнинг аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларининг илғор тажрибаси: *биринчидан*, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари; *иккинчидан*, ушбу тизимда таянч пунктларининг тутган ўрни; *учинчидан*, ушбу соҳада жамоатчиликнинг иштироки; *тўртинчидан*, мазкур фаолиятни таъминлашнинг шакл ва усуллари ажратилган ҳолда ўрганилган ва қиёсий таҳлил қилинган. Ўрганиш ва таҳлиллар асосида республикамиз ички ишлар органлари тизими ва унда фаолият юритаётган таянч пунктлари мазмун-моҳияти, афзалликлари ва фаолияти натижаларига кўра дунёнинг энг илғор полиция тизимлари ва уларнинг аҳоли турар жойларидаги қуйи тузилмалари билан рақобатлаша олиши, мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар келажакда Ўзбекистонда полиция тизимининг жорий этилишига олиб келган тақдирда ҳам тизимда таянч пунктлари ўз аҳамиятини йўқотмай, маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашнинг марказий субъекти бўлиб қолиши асослантирилган.

Диссертацияда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларнинг илғор хориж тажрибасини мамлакатимиз ички ишлар органлари, хусусан таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётига: *биринчидан*, фаолиятни зарур ахборот билан таъминлаш, ҳудуддаги криминоген вазият ва ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиб бориш ҳамда ҳар қандай салбий воқеликка ўз вақтида таъсир кўрсатиш имконини берувчи аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш тартибини, ахборот технологиялари ва моддий-техник базани яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; *иккинчидан*, таянч пунктларининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш функциясини кучайтириш орқали аҳолига янада яқинлашиш ва ишончини

қозониш; *учинчидан*, таянч пунктлари фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш; *тўртинчидан*, профилактика инспекторлари ва таянч пунктнинг бошқа субъектлари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир йўналишлар бўйича жорий этиш мақсадга мувофиқлиги илмий асослаб берилган.

Тадқиқот жараёнида таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлашга ажратган ҳолда тадқиқ этилган ҳамда ушбу соҳалардаги қуйидаги муаммолар ўрганилган ва таҳлил қилинган:

жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолият, жазоларни ижро этиш фаолияти йўналишлари сингари мустақил ва серқирра бўлишига қарамай, мазкур фаолиятни ташкил этиш ҳамда унда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш бугунги кунда республикамизнинг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда;

туман ва шаҳар даражасида таянч пунктлари фаолиятини бошқарув қарорлари билан тизимли таъминлаш йўлга қўйилмаган, бу борада ягона ёндашув мавжуд эмас;

бугунги кунда республиканинг маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ва бошқаришда уларнинг жуғрофий жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари, криминоген ва тезкор вазиятнинг чуқур таҳлили инобатга олинмасдан, ёппасига бир хил ёндашув асосида амалга оширилмоқда;

бугунги кунда мамлакатимизнинг жамоат жойларида 117 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилган бўлиб, 2017 йилнинг 7 ойида улардан фойдаланган ҳолда Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 10 мингга яқин жиноят фош этилган. Бироқ, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашда, содир этилган жиноятларни тезкорлик билан аниқлаш ва фош этишда мазкур видеокузатув мосламалари имкониятларидан етарли фойдаланилмапти;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика катта инспекторига таянч пункти фаолиятини, унинг негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда улар билан жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ваколати берилган бўлса-да, амалда буни таъминлашнинг механизми, ундаги субъектларга таъсир кўрсатиш чоралари аниқ белгилаб берилмаган;

республикада 2018 йил 1 январь ҳолати бўйича фаолият юритаётган таянч пунктларининг 13,2 фоизи капитал ва 25,9 фоизи жорий таъмирлашга муҳтож, шунингдек 29,5 фоизи маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида эмас, балки фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари ва бошқа корхона-ташкилотларга қарашли биноларда жойлашган;

амалиётда профилактика инспекторларининг кўпчилиги экстремизм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик-

лар тўғрисидаги ишларни юритиш, жиноятга оид аризалар юзасидан терговга қадар текширув олиб бориш, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидаги шахслар билан ишлаш, таянч пунктларнинг фаолияти ва уларнинг негизидаги ҳамкорликни ташкил этиш бўйича, жиноят-қидирув хизмати ҳудудий тезкор вакиллари эса хизмат фаолиятида махфий манбалар ва тезкор таъминлаш хизмати имкониятларидан фойдаланиш, ўтказилган тезкор-қидирув фаолияти тадбирлари натижаларини расмийлаштириш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини яхши билмайдилар ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича етарли кўникмаларга эга эмаслар;

амалдаги қонун ҳужжатларида профилактика инспекторларини юқори лавозимга ёки чегара ҳудудига тайинланаётганидан ташқари бир ҳудудда камида беш йил ишламасдан туриб, бошқа ҳудудга ўтказиш қатъиян тақиқланиши белгилаб қўйилганига қарамай, бугунги кунда ҳам ушбу соҳада хато ва камчиликларга, профилактика инспекторлари кўнимсизлигига йўл қўйилмоқда, қолаверса, ички ишлар органлари тизимида ушбу лавозимлар учун кадрлар захирасини яратиш механизми шаклланмаган.

Тадқиқот жараёнида мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг муайян қисми амалиётга жорий этилган. Диссертацияда тадқиқот натижалари асосида «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш зарурати асослантилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон (2017 йил 18 апрель) қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги Низом лойиҳасини тайёрлашда тадқиқот иши натижаларидан кенг фойдаланилган.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар, яъни ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар, таянч пунктлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва бошқариш амалиёти ривожлантириш бўйича тавсиялар гуруҳлаштирилган ҳолда берилган ҳамда улар муайян даражада амалиётга жорий этилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари, амалиётга жорий этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуйидагича гуруҳланган хулоса, таклиф ва тавсияларга ажратилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Соҳага оид қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини, юридик манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари таклиф этилди:

ички ишлар органларининг таянч пунктлари – белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий-процессуал, тезкор-қидирув, жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш, жиноий жазолар ижросини таъминлаш борасида соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамда улар билан давлат органлари ва муассасалари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган ички ишлар органларининг асосий қўйи бўғини;

ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқариш – таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий-процессуал, тезкор-қидирув, жиноят-процессуал ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник, кадрлар билан ҳамда ҳамкорликни таъминлаш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолият;

ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ва унинг негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш – таянч пункти фаолиятини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, таянч пункти негизида ҳамкорликка киришувчи турли субъектларнинг белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирилган ҳаракатларини тартибга солиш, тақсимлаш, келишган ҳолда ташкил этишдан иборат;

ички ишлар органлари таянч пунктлари негизидаги ҳамкорлик – профилактика катта инспектори, профилактика инспектори ва таянч пунктига жалб этиладиган ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамда бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий-процессуал, тезкор-қидирув, жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириш ва жиноий жазолар ижросини таъминлашга қаратилган, муайян вақт ва жойда амалга ошириладиган, усул ва воситаларга эга, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси.

2. Ички ишлар органлари таянч пунктлари ишини ташкил этишда иштирок этувчи ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмаларини икки гуруҳга – а) таянч пунктлари негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи; б) таянч пунктлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи кучларга – ажратиш, шунингдек

профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, унинг ёрдамчиси ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи соҳавий хизматлар ходимларини таянч пунктлари субъектлари, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолияти: қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш; инсонпарварлик; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибда ёндашиш; ҳамкорликда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инobatга олиниши ва масъулият; очиқлик ва шаффофлик принципларига асосланишини аниқ белгилаш, шунингдек диссертация натижалари сифатида ишлаб чиқилган таянч пунктлари функцияларини муайян нормалар билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш таклиф этилди.

4. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини: жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; маъмурий-процессуал; тезкор-қидирув; жиноят-процессуал; жиноий жазолар ижросини таъминлаш бўйича асосий фаолият йўналишларига ажратиб илмий тадқиқ этиш уларни тўлиқ мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан тизимли равишда ўрганиш орқали ички ишлар органлари таянч пунктларини самарали бошқаришга хизмат қилади.

5. Ички ишлар органлари таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликнинг: етарлича ҳуқуқий тартибга солинганлиги; асосий йўналишлари, усул ва шакллари, куч ва воситалари аниқ белгилаб олинганлиги; функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлиги; ахборот муҳитининг яратилганлиги; биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилиши; ҳамкорликни тўғри ва самарали ташкил этиш ундаги субъектлар фаолиятини баҳолашда муҳим мезон сифатида эътиборга олиниши – мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади.

II. Ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш амалиётини, ушбу соҳага доир хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш таклифи илгари сурилди ҳамда унинг лойиҳаси диссертация тадқиқоти натижаси сифатида илова этилди.

2. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидагича қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилди:

а) 23-модда (Маъмурий жазонинг турлари) билан «огоҳлантириш»ни маъмурий жазо тури сифатида белгилаш;

б) 32-модда (Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар) 1-бандини «гайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга, **расмий огоҳлантиришга қарамай**, бундай ҳаракатларни давом эттириш» таҳририда баён этиш;

в) қуйидаги янги модда билан тўлдириш:

«271¹-модда. Жабрланувчининг шикоятига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш

Ушбу Кодекснинг 40-моддасида, 41-моддасида, 45-моддасида, 46-моддасида, 46¹-моддасида, 52-моддасида, 62-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина юритилади.

Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) жабрланувчининг шикоятисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши шарт.

Ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра юритилади».

г) 280-моддада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатига эга давлат органлари ва мансабдор шахсларининг рўйхатини аниқ белгилаш ҳамда ушбу ваколатли субъектларнинг қайси турдаги ҳуқуқбузарлик фактлари (жавобгарлик белгиланган қайси нормалар) бўйича бундай ҳуқуқнинг берилганлигини аниқ белгилаш, шунингдек ички ишлар органлари ҳудудий профилактика (катта) инспекторларига улар томонидан маъмурий ҳудудда аниқланган МЖТКнинг нормаларида кўриб чиқиш бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслари ваколатига кирувчи жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳам баённома тузиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсон қиёфасини йўқотиш даражасида маст ҳолда бўлган, жумладан ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жойлаштириш, кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, тиббиёт ходимларини уларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш тартибини, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка чалинган 60 ёшдан ошган ёки ногирон фуқароларни мазкур муассасаларга жойлаштиришнинг алоҳида тартибини белгилаб берувчи қўшма қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш борасида амалиётда мавжуд

ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш мақсадида, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг асослари, субъектлари, ўтказиш муддатлари, жалб этиладиган куч ва воситалар, моддий-техник таъминоти, тегишли тартиб ва қоидаларни ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

5. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини янги тахрирда ишлаб чиқишда унга узоқ муддатга чет элга кетган фуқаролар орасидан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиб, тайинланган жазони ўтаб қайтган шахслар, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида оғир ва ўта оғир жиноят содир этгани учун жазо ўтаётган шахслар амнистия актини қўллаш орқали жазодан озод этилганида ёки жазо енгилроғига алмаштирилганида ёхуд маҳкум шартли озод қилинганда бундай тоифадаги шахслар устидан ички ишлар органлари маъмурий назорат ўрнатишини белгиловчи нормаларни киритиш таклиф этилди.

III. Ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Туман, шаҳар ички ишлар органлари тизимида таянч пунктларини бошқариш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш қўйидаги мансабдор шахсларнинг ваколатига киришини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаш таклиф этилди:

а) бошқариш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёки ички ишлар бошқармаси (бўлими), уларнинг таркибидаги ички ишлар бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосарларига;

б) мувофиқлаштириш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёки ички ишлар бошқармаси (бўлими), уларнинг таркибидаги ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосарларига;

в) ташкил этиш – туман, шаҳар ички ишлар органлари соҳавий (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш, жиноят қидирув, тергов ва бошқ.) хизматлар бошлиқларига, шаҳар ва қўрғон ички ишлар бўлими (бўлинма)ларига ҳамда таянч пункти профилактика катта инспекторига.

2. Туман, шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосарларининг таянч пунктлари фаолияти ва улар негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича хизмат масъулиятини ошириш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда: туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – таянч пунктнинг тезкор-қидирув фаолиятига; туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари – таянч пунктнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига; туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий-процессуал, жиной жазолар ижросини таъминлаш фаолияти

йўналишларига; туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, тергов аппарати бошлиғи – таянч пунктнинг жиноят-процессуал фаолиятига масъуллигини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

3. Илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда республикамиз маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этиш ва бошқаришда: а) ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари, криминоген ва тезкор вазиятидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашувни таъминлайдиган намунавий моделларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш; б) бундай намунавий моделларда: ҳудудга ажратиладиган куч ва воситаларнинг миқдори, уларни жойлаштириш тартиби, хизмат фаолиятини ташкил этиш мос келадиган иш усуллари ва шакллари, бошқарув тизими, моддий-техник таъминоти, иш натижаларини баҳолаш мезонлари ва бошқа муҳим жиҳатлари аниқ белгилаб берилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Таянч пунктлари фаолиятининг ташкилий-методик таъминотини такомиллаштириш учун:

туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг таянч пунктлари фаолиятини бошқариш бўйича комплекс хусусиятга эга бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш тизимини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

таянч пунктларининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун профилактика катта инспекторининг ҳуқуқий мақомини кучайтириш ва унинг таянч пунктига жалб этилган кучлар фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширишга доир ваколатлари доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси таянч пунктларида жорий этилган «Ўзбекистон АИТ (ахборот излаш тармоғи)» ва профилактика инспекторларининг кунлик фаолияти натижалари бўйича ҳисобот бериш дастурларини такомиллаштириб бориш ҳамда уларни бутун мамлакат таянч пунктлари фаолиятига жорий этиш таянч пунктларини самарали бошқаришга хизмат қилади;

Тошкент шаҳри маҳаллаларига ўрнатилган кузатув камералари томонидан ёзиладиган маълумотларнинг туманлардаги шаҳар ички ишлар бўлимларида марказлашган тарзда қайд этиб борилиши, сақланиши ва фойдаланилиши, уларнинг «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексига уланишини таъминлаш, республиканинг бошқа катта шаҳарлари, туман ва шаҳарларида кузатув камералари маълумотларини шаҳар ва кўрғон ички ишлар бўлимлари (бўлинма)лари ва таянч пунктларида марказлашган ҳолда қайд этиб бориш, сақлаш ва фойдаланиш тизимини жорий этиш лозим;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва ҳудудий ИИБ-ИИББ-ИИБлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларида Профилактика инспекторларини методик қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш, мазкур марказларни соҳанинг тажрибали ходимлари, қолаверса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларида кўп йиллар ишлаб тажриба орттирган пенсионерлар билан жамлаган ҳолда

улар томонидан замонавий коммуникация ва дастурий тизимлар, алоқа каналлари, хусусан интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиб таянч пунктлари профилактика инспекторларига фаолиятида дуч келадиган муаммоли вазиятлар ва мураккаб масалаларни ечишда методик ва амалий ёрдам кўрсатиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

5. Таянч пунктлари фаолиятининг моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминланишини такомиллаштириш мақсадида:

шаҳар ва туманларда замонавий уй-жой ва инфратузилма объектларидан иборат шаҳарчаларни шакллантиришда уларга хизмат кўрсатувчи таянч пунктлари учун барча талабларга жавоб берадиган бинони куриб фойдаланишга топшириш бўйича тизимли ишларни Давлат дастурларига киритган ҳолда изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир;

профилактика инспекторлари қўнимсизлигининг олдини олиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида битта ҳудудда хизмат қилишини таъминлаш учун ҳудудий ИИВ-ИИББ-ИИБлар бошлиқларининг буйруқларида аниқ ҳудудга бириктирган ҳолда лавозимга тайинлаш амалиётини жорий этиш лозим;

профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисини шаходатланган лавозимга айлантирган ҳолда, унга Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг академик лицейлари битирувчилари ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, ИИВ Академияси Касбий тайёргарлик факультети базасида 5 ойлик бошланғич касбий тайёргарликдан ўтган ҳолда сержант унвонини олган ходимларни тайинлаш ҳамда мазкур лавозимда камида 3 йил фаолият олиб борган ва хизматда ижобий тавсифланган ходимларни профилактика инспектори лавозимига тайинлаш тартибини жорий этиш орқали профилактика инспекторлари захирасини яратиш таклиф этилади.

6. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини бошқариш амалиётига хориж тажрибасини: *биринчидан*, фаолиятни зарур ахборот билан таъминлаш, ҳудуддаги криминоген вазият ва ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиб бориш ҳамда ҳар қандай салбий воқеликка ўз вақтида таъсир кўрсатиш имкониятини берувчи аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш тартибини, ахборот технологияларини ва моддий-техник базани яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; *иккинчидан*, таянч пунктларининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш функциясини кучайтириш орқали аҳолига янада яқинлашиш ва ишончини қозониш; *учинчидан*, таянч пунктлари фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш; *тўртинчидан*, профилактика инспекторлари ва таянч пункти бошқа субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир йўналишлар бўйича жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
А К А Д Е М И Я**

ЗИЁДУЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЗИЁДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ОПОРНЫМИ ПУНКТАМИ
ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

**12.00.02 – конституционное право; административное право;
финансовое и таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSC) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2019

**Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2019.1.Dsc/Yu93
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar) и информационно-образовательном ресурсе «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Исмаилов Исамиддин доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Джалилов Шухрат Илхамович, доктор юридических наук, профессор Одилкориев Хожимурод Тухтамуродович, доктор юридических наук, профессор Рузиев Зафар Райимович, доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано № ____). (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2019 года).

О.Т. Хусанов
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени доктора наук,
доктор юридических наук, профессор

А.Э. Йулдошев
Секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, кандидат
юридических наук, доцент

И.Т. Тультеев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени доктора наук, доктор юридических
наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всех странах мира обеспечение общественного порядка и безопасности в населённых пунктах, осуществление профилактики правонарушений и борьба с преступностью являются актуальной задачей, направление сил и средств органов внутренних дел (полиции) непосредственно на населенные пункты и управление ими, организация эффективного сотрудничества с широкой общественностью, внедрение в эту сферу передового опыта и рабочих методов, а также приобретение таким образом доверия граждан считаются приоритетными вопросами в этой области.

В развитых странах мира ведется научно-исследовательская работа, касающаяся управления сферы обеспечения общественного порядка и безопасности, профилактики правонарушений. В этой связи особое значение приобретают исследования, направленные на обеспечение выполнения задач, стоящих перед органами внутренних дел (полиции), путем решения социальных проблем в обществе, внедрение в сферу управления современных информационно-коммуникационных технологий, передовых методов работы, обеспечение системы квалифицированными специалистами, широкое использование возможностей институтов гражданского общества в данном направлении, организацию деятельности специализированных общественных структур, содействующих государственным органам в этой сфере, а также их поддержки.

В нашей стране осуществляются широкомасштабные реформы, направленные на эффективную организацию в махаллях деятельности опорных пунктов органов внутренних дел и совершенствование их управления. Общими усилиями, прежде всего, при участии широкой общественности в 2018 году было достигнуто снижение общей преступности на 36 процентов, а в свыше 3 тысячах 205 или 35 процентах махаллях вообще не было совершено преступлений¹. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах предусмотрены такие задачи, как «повышение эффективности координации деятельности по борьбе с преступностью и предупреждению правонарушений»². А это требует внедрения в деятельность опорных пунктов органов внутренних дел страны передового опыта, методов работы и инновационных технологий, совершенствование обеспечения их деятельности в правовом, организационно-методическом, материально-техническом аспекте и обеспечения квалифицированными кадрами, повышения эффективности участия общественных структур в организации целевого взаимодействия на базе опорных пунктов.

¹Мирзиёев Ш.М. Всесторонне развитое поколение – основа великого будущего, созидательный труд народа – основа благополучной жизни, дружба и сотрудничество – гарантия процветания: Доклад на торжественном собрании, посвященном 26-летию принятия Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. – 2018. – 8 дек.

²Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. // Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017. – № 6. – Ст. 70.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определённых в законах Республики Узбекистан «О профилактике правонарушений» (2014), «Об органах внутренних дел» (2016), указах Президента Республики Узбекистан № УП-5005 от 10 апреля 2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан», № УП-5308 от 22 января 2018 г. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»», постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2833 от 14 марта 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью», № ПП-2896 от 18 апреля 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности подразделений профилактики правонарушений органов внутренних дел», а также других нормативно-правовых актах.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научно-исследовательская работа по вопросам теоретико-правовых и организационно-институциональных основ обеспечения охраны общественного порядка и безопасности в населенных пунктах, осуществления профилактики правонарушений, борьбы с преступностью проводится в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности в International Criminologists Association (I.C.A.), Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE), Central European Police Academy (MEPA), European Union Agency for Law Enforcement Training (CEPOL), George C. Marshall European center for Security Studies, Deutsche Hochschule der Polizei (Германия), Ecole nationale superieure des officiers de police (Франция), National Research Institute of Police Science (Япония), Академии управления Министерства внутренних дел, Московском и Санкт-Петербургском университетах (Россия) и Академии МВД Республики Узбекистан.

В результате исследований, проведенных в мире по обеспечению общественного порядка и безопасности в населенных пунктах, совершенствованию профилактики правонарушений, были достигнуты следующие результаты: обосновано необходимость осуществления деятельности, направленной на сближение полиции с населением, укрепление его доверия; повышение эффективности предупреждения правонарушений путем налаживания

¹Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе следующих источников: www.theiacp.org, www.learnpipe.com, www.osce.org, www.marshallcenter.org, www.dhpol.de, www.ensop.fr, www.npa.go.jp, www.amvd.ru, www.akadmvd.uz, www.interpa.org, www.mepa.net, www.cepol.europa.eu, www.mosumvd.com, www.univermvd.ru и др.

деятельности нижних структурных подразделений непосредственно в населенных пунктах (George C. Marshall European center); обоснована необходимость создания концепции по совершенствованию организационно-институциональных и правовых механизмов их деятельности (Академия Управления МВД Российской Федерации); научно обоснованы преимущества преобразования полиции в социально направленную службу, достигнуты успехи в предупреждении преступлений путем оказания помощи населению в решении социальных проблем (International Criminologists Association); с научной точки зрения обосновано значение специальной подготовки квалифицированных специалистов и руководящих кадров (Deutsche Hochschule der Polizei); обоснована необходимость использования возможностей институтов гражданского общества в этой сфере и создания специализированной общественной структуры (National Research Institute of Police Science), научно обоснована необходимость контроля за деятельностью полиции со стороны общественности (OSCE).

В мире проводится ряд исследований по обеспечению общественного порядка и безопасности в населенных пунктах, совершенствованию профилактики правонарушений и борьбы с преступностью, в частности в следующих направлениях: совершенствование организационных и правовых основ деятельности подразделений органов внутренних дел (полиции), занимающихся обеспечением общественного порядка и безопасности, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью в населенных пунктах, координация их в соответствии с международными стандартами; эффективная организация и управление деятельностью этих структурных подразделений; обеспечения их квалифицированными специалистами и улучшение их материально-технического снабжения; привлечение широкой общественности и граждан к сотрудничеству, создание в этой связи различных моделей, специализированных общественных структур и эффективное использование их возможностей.

Степень изученности проблемы. В нашей республике вопросы управления органами внутренних дел исследовались рядом таких ученых, как: Х.Р.Алимов, Б.А.Арифджанов, С.Т.Ахмедова, И.Исмаилов, Б.Э.Косимов, Д.М.Миразов, У.Х.Мухамедов, Ж.С.Мухторов, Х.Т.Одилкориев, Ю.С.Пулатов, З.Р.Рузиев, С.М.Селиманова, У.Т.Таджиханов, А.С.Турсунов, И.А.Хамедов, О.Т.Хусанов.

В частности, Х.Т.Одилкориевым, А.С.Турсуновым, О.Т.Хусановым были исследованы конституционно-правовые аспекты управления в органах внутренних дел, Х.Р.Алимовым, И.Исмаиловым, У.Х.Мухамедовым, С.М.Селимановой были освещены административно-правовые аспекты данного управления, а С.Т.Ахмедова исследовала вопросы организации охраны общественного порядка во время проведения массовых мероприятий, Б.А.Арифджанов – правовые и организационные вопросы деятельности инспекторов профилактики по профилактике правонарушений, Ж.С.Мухторов – вопросы обеспечения предупреждения правонарушений со стороны службы профилактики

правонарушений органов внутренних дел, З.Р.Рузиев – некоторые аспекты сотрудничества органов самоуправления граждан с органами внутренних дел.

Научные исследования по вопросам управления ранее существовавшими опорными пунктами и участковыми пунктами охраны правопорядка органов внутренних дел, по организации деятельности инспекторов профилактики в период бывшего Союза и в последующие периоды проводились В.А.Афанасьевым, В.Р.Волковым, В.Н.Воробьевым, А.В.Губановым, М.И.Еропкиным, С.М.Забеловым, Ф.Е.Колонтаевским, В.Н.Макарчуком, Г.А.Тумановым, В.С.Четвериковым, А.Д.Хейл, в современной науке эти вопросы исследовали: М.М.Алисин, П.Н.Астапенко, Д.Бэйли, А.Н.Герасименко, А.И.Горшенева, Н.Л.Гранат, В.А.Джемелинский, А.В.Жаглин, Н.Н.Жильский, А.Г.Ермаков, Е.В.Киричк, Б.Ю.Кондрашов, В.И.Майоров, Д.К.Нечевин, Н.Д.Нечевина, К.Нишимура, В.Н.Прокопенко, С.Н.Шишкарев¹.

Вышеизложенное свидетельствует о недостаточной изученности вопросов совершенствования управления опорными пунктами органов внутренних дел в качестве комплексной исследовательской работы на основе законодательных документов Республики Узбекистан.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Исследование выполнено в рамках проектов «Совершенствование деятельности органов внутренних дел по обеспечению охраны общественного порядка и безопасности» (2013–2016) плана научно-исследовательских работ Академии МВД Республики Узбекистан.

Цель исследования состоит в разработке предложений и рекомендаций по совершенствованию управления опорными пунктами органов внутренних дел и повышению эффективности их деятельности.

Задачи исследования:

исследование правового статуса опорных пунктов органов внутренних дел, сущности и нынешнего состояния управления ими, раскрытие теоретических и практических аспектов;

изучение влияния и результативности масштабных реформ, проводимых в системе органов внутренних дел республики, на деятельность опорных пунктов и совершенствование управления ими;

